

тицеллэз вилт билан умумий даражада зарарланиш 10,8 % (F_1 [Ан-Боёвут-2 х (F_1 С-4911 х Тошкент-6)]) дан 15,5 % (F_1 [Ан-Боёвут-2 х (F_1 Оқдарё-6 х Тошкент-6)]) гача бўлганлиги қайд этилди. Бу эса, олинган дурагай комбинацияларнинг ота-оналик шаклларга ва андоза С-6524 (16,6%) навиға нисбатан вилт замбуруғига бардошлилики намоён этганлигини кўрсатади. Композит дурагайлар орасидан F_1 [Ан-Боёвут-2 х (F_1 Киргиз-3 х Тошкент-6)], F_1 [Ан-Боёвут-2 х (F_1 Оқдарё-6 х Тошкент-6)] ва F_1 [Ан-Боёвут-2 х (F_1 Юлдуз х С-6532)] комбинацияларида вилт билан кучли даражада зарарланиш кузатилмади. Бошқа комбинацияларда белги бўйича кўрсаткич 1,3 % (F_1 [Ан-Боёвут-2 х (F_1 С-9070 х Тошкент-6)]) дан 3,0 % (F_1 [Ан-Боёвут-2 х (F_1 Ан-415 х С-6532)]) гача бўлганлиги қайд этилди.

Кейинги йилларда вилт билан умумий ва кучли зарарланиш бўйича ота-оналик шаклларда деярли катта фарқ сезилмади. Таъкидлаб ўтиш жоизки, "С-6532", "Қирғиз-3" ва "С-9070" навларида кузатилган йилларда кучли даражада зарарланиш кузатилмади.

F_2 жуфт дурагайларнинг вертицеллэз вилтга бардошлилик даражаси кузатилганда, умумий даражада зарарланиш 8,6 % (F_2 (С-9070 х С-6532)) дан 15,8 (F_2 (Оқдарё-6 х Тошкент-6)) % гачани, кучли даражада зарарланиш эса, 0 % (F_2 (Оқдарё-6 х Тошкент-6), F_2 (Юлдуз х С-6532)) дан 5,0 % (F_2 (Ан-415 х С-6532)) гачани ташкил этди.

F_2 композит дурагайларнинг вертицеллэз вилт билан умумий даражада зарарланиши 8,4 % [F_2 (Ан-Боёвут-2 х (F_1 С-9070 х С-6532))] дан 15,1 % [F_2 (Ан-Боёвут-2 х (F_1 Оқдарё-6 х Тошкент-6))] гачани, кучли даражада зарарланиш эса 0 % (F_2 [Ан-Боёвут-2

х (F_1 Киргиз-3 х Тошкент-6)]), (F_2 [Ан-Боёвут-2 х (F_1 Оқдарё-6 х Тошкент-6)]) дан 3,1 % (F_2 [Ан-Боёвут-2 х (F_1 С-4911 х С-6532)]) гачани ташкил этди.

F_3 жуфт дурагайларда белги бўйича кўрсаткич 3 % (F_3 (С-9070 х С-6532)) дан 15,5 % (F_3 (Оқдарё-6 х Тошкент-6)) гача умумий даражада зарарланиш кузатилиб, аксарият комбинацияларнинг кучли даражада зарарланмаганлиги қайд этилди. Улар орасидан фақатгина 4 та комбинация 1 % (F_3 (С-9070 х Тошкент-6)) дан 4,2 % (F_3 (Юлдуз х Тошкент-6)) гача кучли даражада зарарланганлиги кузатилди.

F_3 композит дурагайларнинг вертицеллэз вилт билан зарарланиши кузатилганда умумий даражада зарарланиш 3 % (F_3 [Ан-Боёвут-2 х (F_1 С-9070 х С-6532)]) дан 14 % (F_3 [Ан-Боёвут-2 х (F_1 Оқдарё-6 х Тошкент-6)]) гача бўлганлиги намоён бўлди. Ўрганилган барча композит дурагайларнинг андоза С-6524 (12,8 %) навидан вилтга бардошлилик бўйича устунлиги қайд этилди. Белги бўйича кучли даражада зарарланиш ушбу дурагайлар орасидан фақатгина F_3 [Ан-Боёвут-2 х (F_1 Юлдуз х Тошкент-6)] ва F_3 [Ан-Боёвут-2 х (F_1 С-9070 х Тошкент-6)] комбинацияларида кузатилиб, тегишли равишда 1,2 % ва 1 % нигина ташкил этди.

Хулосалар. Вертицеллэз вилт (*Verticillium dahliae* Kleb.) га бардошли селекцион ашёлар яратишда жуфт дурагайлашга нисбатан композит дурагайлаш услуби самарали ҳисобланади. Бу ўринда, таъкидлаб ўтиш жоизки, ота-она жуфтларини тўғри танлаш орқали дастлабки авлодларданок вертицеллэз вилтга бардошли ашёлар яратиш имконияти мавжуд.

АДАБИЁТЛАР:

1. Марупов А. Экологические чистые технологии защиты хлопчатника от вертициллезного вилта в Узбекистане. Ташкент: «Biznes-print», 2003. -248 с.
2. Ким Р.Г. Селекция хлопчатника на вилтоустойчивость и скороспелость // Ташкент: Фан, 2011.-390 с.
3. Намозов Ш.Э., Холмуродова Г.Р. Эффективность конвергентной гибридизации в селекции хлопчатника. Ташкент:Фан, 2011. -136 с.
4. Намазов Ш. Э., Г.Р.Холмуродова. Ёўза селекциясида конвергент дурагайлашнинг самарадорлиги. Тошкент: "NAVRO'Z", 2015. -160 б.
5. Холмуродова Г.Р., Намазов Ш.Э., Бобоев С.Ф., Джумаева Г.П. Ёўза мураккаб, конвергент, турлараро дурагайларининг вертициллез вилт билан зарарланиш даражаси. // "Agro ilm". Тошкент, 2015. - №1 [25]. –Б.12.
6. Холмуродова Г., Намозов Ш., Рахмонкулов С., Муратов А., Рыстаков В. Наследование скороспелости и вилтоустойчивости у парных и сложных гибридов хлопчатника. // Ёўза ва бошқа қишлоқ хўжалик ўсимликларида тезпишарликни ҳамда мосланувчанликни эволюцион ва селекцион қирралари: Халқаро илмий анжуман материаллари. Тошкент: Фан, 2005. –Б.84-86.
7. Холмуродова Г., Намозов Ш.Э., Муратов А. Роль конвергентных скрещиваний в повышении устойчивости хлопчатника к вертициллезному вилту. // Халқаро илмий-амалий конференция маърузалари асосида мақолалар тўплами. Тупроқ унвдорлигини оширишнинг илмий ва амалий асослари. Тошкент, 2007. –Б.227-229.

УЎТ: 633.511.

ЁЎЗАНИНГ БАРГ САТҲИГА ҚЎШҚАТОРЛАБ ЭКИШНИНГ ТАЪСИРИ

Эшмуродова Мавлуда Қодиралиевна,

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг катта ўқитувчиси.

Аннотация. Ёўза чигитларини пуштааларга экилиши ниҳолларни барвақт униб чиқишига ва бутун амал даврида ўсимликларни жадал ўсиб ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Пуштага чигит экилган ҳолда туп сон қалинлигининг тўғри белгиланиши ўсимликнинг ўсиши, барг сатҳи ва генератив органларини шаклланиш жараёнларида

ўзига хос таъсир этиб гуллаш жараёнини эрта бошланишини таъминлайди.

Калим сўзлар: пуштага экиш, туп сон, поя қалинлиги, генератив орган, коэффициент.

Аннотация. Гребневой посев семян хлопчатника положительно влияет на всхожесть и быстрый рост растений в течении вегетационный период. При таком посеве семян хлопчатника и правильное определение густоты растений обеспечивает раннее цветение, оказывают специфическое влияние на формирование генеративных органов хлопчатника.

Ключевые слова: гребневая посадка, вегетационный период, генеративных органов, коэффициент.

Abstract. Planting cotton seeds has a positive effect on early germination and rapid plant growth throughout the growing season. When planting cotton seeds and the correct determination of the thickness of the stem ensures early flowering, having a specific effect on the formation of the generative organs of the plant.

Key words: planting, grooving season, stem thickness, generative organs, coefficient.

Қишлоқ хўжалигида ўсимликлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш, уруғларни экиш муддати ва усулларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Сўнгги йилларда кўплаб қишлоқ хўжалиги экинларини жумладан, ғўза, соя, нўхат каби ўсимликларни қўшқаторлаб экиш усули унумдор тупроқларимиздан самарали фойдаланиш ва тупроқнинг табиий унумдорлик хусусиятларини сақлашда яхши самара бериб келмоқда. Айниқса пахтачиликда қўшқаторлаб чигит экиш усули туп сон қалинлигини ошириш натижасида гектаридан юқори ва сифатли ҳосил олиш имкониятини беради [4].

Мамлакатимизда енгил саноатни универсал ипаксимон узун тола билан таъминлаш мақсадида техник экин сифатида турли тупроқ иқлим шароитларига мос бўлган ғўза экини етиштирилмоқда.

Республикаимизнинг турли ҳудудларининг табиий- иқлим шароитлари, тупроқ унумдорлиги, деҳқончилик қилинадиган ерларнинг мелиоратив ҳолати, экиш учун режалаштирилган чигитнинг наводорлиги ва унвчанлиги ва экиш усуллари ҳамда туп сон қалинлиги етиштирилаётган пахта ҳосили, толасининг сифати ва ғўза чигитининг сифати ва салмоғига сезиларли таъсир этади [1].


Пахтачиликда суғориладиган майдон тупроқларининг унумдорлигини ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш,

серхосил, эртапишар, бозорталаб, рақобатбардош, саноат талабларига жавоб бера оладиган навларни яратиш ва уларни тупроқ-иқлим шароитларига мос агротехнологиясини мукамал ишлаб чиқиш ва уни амалга тадбиқ этиш бугунги куннинг кечиктириб бўлмас талабидир [2].

Ўзанинг ўсиб ривожланиши, ҳосилининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ўсимликнинг нави, парвариш қилинаётган тупроқнинг иқлим шароити, физик кимёвий хусусияти ва унумдорлигига, намлигига, ҳароратига, вегетация давомида қўшимча озуқа моддаларни қўллаш меъёрига, шунингдек, куннинг узун ва қисқалигига боғлиқдир.

Ушбу талабларни бажариш ва сифатли пахта ҳосили етиштириш эса юқорида кўрсатилган талабларга жавоб бера оладиган янги ғўза навларини яратиш ва уларни экиш режалаштирилаётган тупроқ шароитига мос агротехнологиясини ишлаб чиқиш устида илмий-тадқиқот ишларини мунтазам кучайтириш ҳамда уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиб боришни тақозо этади.

Самарқанд вилоятининг эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида “Омад” ғўза навини яқка қатор ва қўшқатор усулида парваришлашнинг ресурстежамкор агротехнологиясини ишлаб чиқишдан иборат тадқиқот ишларини олиб бордик.



Ўзанинг “Омад” навини кўчат қалинлиги ва бург сатхи ўзгариши орасидаги корреляцион боғлиқлиги, 1 ўсимлик ҳисобида (2019-2021йй).

Самарқанд вилоятининг эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида ғўзани «Омад» нави пуштага якка қатор ва қўшқатор экилиб, мақбул туб сон қалинлигида, $N_{200}P_{140}K_{100}$ ўғит меъёрларида парваришланганда ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўплаш жараёнларига ўзига хос тарзда таъсир этганлиги кузатилди. Чигитларни пушталарга экилиши чигитни эрта униб чиқишига ва амал даври давомида ўсимликларни жадал ўсиб ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Жумладан, чигит пуштага якка қатор усулда экилиб, гектарига 83,2 минг туп сон қолдирилиб, ниҳоллар $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрларда озиклантирилган 5-вариантдаги ўсимликларнинг ҳар бирида ўртача 43,1 дона барглар ҳосил бўлди ва барг юзаси эса 3114,4 см² ни ташкил этди. Бу вариантда ўсимликлардаги барча барг сатҳи ҳисобланганда гектар ҳисобига 25913,5 м² ни дан иборат бўлди. Бу вариантда нисбатан япроғи катта ҳажмдаги барглар шаклланиб, қуруқ модда миқдори қолган

вариантларга нисбатан энг кўп 22,4 грамм қуруқ модда ҳосил бўлганлиги аниқланди.

Тадқиқотларимиздан олинган маълумотларга кўра, ғўза навининг кўчат қалинлиги ортиши билан барг сатҳи камайиб бориши кузатилди ва дисперсион таҳлил натижалари ушбу кўрсаткичлар орасида тескари ижобий корреляцион боғлиқлик борлиги исботлади.

Амал даври вақтида ўғитлар меъёрлари камайтирилган ёки $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрида қўлланилган вариантларда эса бу кўрсаткичларнинг пасайиши кузатилди. «Омад» ғўза нави чигитини яккақатор усулда экиб, гектарига 170 ва 180 минг/туп сон қолдирилиб, $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрда озиклантирилтирилиб парвариш қилинган вариантдаги ўсимликларда мақбул барг сатҳи ҳосил бўлди ва ўсимликларнинг фотосинтез маҳсулдорлиги ортиши ҳисобига шоналаш, гуллаш босқичлари нисбатан эртароқ бошланиб мўл ва сифатли ҳосил етиштириш имконияти яратилди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Пахтачилик маълумотномаси. //Т.: «Фан ва Технология» нашриёти. 2016,.3-6
- 2.Ўразматов Н, Турсунов Т. Янги истиқболли ғўза наларини кўчат қалинлиги ва озуқа тартибларининг пахта ҳосилдорлигига таъсири.//Пахтачилик ва деҳқончиликни ривожлантириш муаммолари. Тошкент-2004 , 139-140-бет.
- 3.Назаров З., Ҳасанов Ф., Синдоров О., Ҳамрақулов И. Далаларда мақбул кўчат қалинлигини яратиш.// “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. 2010, № 3, 2-3 бет.
4. Сувонова Г.А., Хамдамова Е.И.Нўхат ўсимлигининг биологик хусусиятларига агротехник тадбирлар қўллашнинг таъсири.//“Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. 2022 йил. Махсус сон. 24-26 бет.

F₄ DURAGAY KOMBINATSIYALARNI TOLA TEXNOLOGIK SIFAT KO'RSATKICHLARI

U.Z.Abdumalikov, tayanch doktorant,

Andijon qishloq xo'jaligi va agrotekhnologiyalar instituti

Sh.E.Namazov, q.x.f.d., professor,

Paxta seleksiyasi, urug'chiligi va yetishtirish agrotekhnologiyalar ilmiy tadqiqot instituti,

S.K.Matyobov, q.x.f.d., katta ilmiy xodim,

Paxta seleksiyasi, urug'chiligi va yetishtirish agrotekhnologiyalar ilmiy tadqiqot instituti.

Annotatsiya. Ushbu maqolada 22 ta duragay kombinatsiyalarni tola sifat ko'rsatkichlari aniqlangan, F₄Andijon-36 x Namangan-77, F₄Andijon-36 x Buxoro-102, F₄Sulton x C-6524, F₄Sulton x Jarqo 'rg'on дурагайлари тола сифатнинг комплекс белгилари бўйича юқори, ҳозирги замон текстил саноатига мос бўлганлиги билан ажралиб кейинги селекцион изланишларда тола сифатини яхшилашда қимматли бошлангич ашё бўлиб хизмат қилиши ҳақида баён қилинган.

Kalit so'zlar: G' o' za, paxta, nav, duragay, kombinatsiya, tola, микронейр, солиштирма узилиш кучи, molaning yigiruvchanlik qobilyati, юқори ўртача узунлик, узилишдаги узайиши.

Аннотация. В данной статье определены показатели качества волокна 22 гибридных комбинаций, указано, что она пригодна для современной текстильной промышленности и служит ценным исходным материалом для повышения качества волокна в дальнейших селекционных исследованиях.

Ключевые слова: Хлопок, сорт, гибрид, комбинация, волокно, микрон, удельная прочность на разрыв, пластичность волокна, высокая средняя длина, удлинение при разрыве.

Abstract. In this article, fiber quality indicators of 22 hybrid combinations are determined. F₄Andijan-36 x Namangan-77, F₄Andijan-36 x Bukhara-102, F₄Sultan x C-6524, F₄Sultan x Jarkurgan it is stated that the hybrids have high fiber quality in terms of complex characteristics, are suitable for the modern textile industry, and serve as a valuable starting material for improving fiber quality in further breeding research.

Key words: Cotton, variety, hybrid, combination, fiber, micron, specific breaking strength, fiber ductility, high average length, elongation at break.